

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХАНДАМОВА ДИЛНОЗА КЕНЖАЕВНА

**МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН АДСОРБЕНТЛАРДА БЕНЗОЛ ВА
МЕТАНОЛНИ АДСОРБЦИЯЛАНИШ ХОССАЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хандамова Дилноза Кенжаевна

Модификацияланган адсорбентларда бензол ва метанолни адсорбцияланиш хоссалари..... 3

Хандамова Дилноза Кенжаевна

Адсорбционные свойства бензола и метанола на модифицированных адсорбентах.....21

Khandamova Dilnoza Kenjaevna

Adsorption properties of benzene and methanol in modified adsorbents.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХАНДАМОВА ДИЛНОЗА КЕНЖАЕВНА

**МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН АДСОРБЕНТЛАРДА БЕНЗОЛ ВА
МЕТАНОЛНИ АДСОРБЦИЯЛАНИШ ХОССАЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2023

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/К469 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.ionx.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуруллаев Шавкат Пайзиевич
кимё фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Кулдашева Шахноза Абдулазизовна
кимё фанлари доктори, профессор

Исмоилов Ровшан Исроилович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «5» январь 2024 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а уй Тел.: (+99871)262-56-60, факс: (+99871)262-76-90, e-mail: ionxanruz@nuu.uz.

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а уй Тел.: (+99871)262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Диссертация автореферати 2023 йил «20» декабрь куни тарқатилган.
(2023 йил «20» декабрдаги № 7 реестр баённомаси).



Б.С. Закиров

Илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С. Салиханова

Илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

И.Д. Эшметов

Илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда дунёда саноатнинг турли тармоқларида фаоллантирилган гил адсорбентлари, жумладан, каолин, полигорскит ва бентонитлар кимёвий моддаларни саралаш ва қайта ишлашда ҳосил бўлувчи саноат оқова сувини турли металллар ионларидан тозалашда адсорбентлар сифатида кенг қўлланилмоқда. Катион табиатли сирт фаол моддалардан фойдаланган ҳолда органофил, наноғовакли модификацияланган гил адсорбентларини олиш ва уларнинг адсорбцион фаол марказлари табиати, коллоид-кимёвий, энергетик потенциали, кутбли ва кутбсиз моддалар билан адсорбент-адсорбат таъсирланиш энергиясини аниқлаш, структуравий текстур ғоваклигини тадқиқ қилиш, уларнинг селективлик хусусиятларини ошириш ва улардан оқова сувларни тозалашда фойдаланиш имкониятларини илмий асослаш коллоид кимё соҳасида назарий ва амалий аҳамияга эга.

Дунёда бентонит ва каолин конларидаги гил минералларидан фойдаланган ҳолда фаолланган, селектив, органофил адсорбентларни яратиш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада бентонит гилларини модификациялашнинг мақбул шароитларини илмий асослаш ва амалиётга жорий қилишга ҳамда алмашинувчи катионларнинг адсорбция жараёнларига таъсири қонуниятларини ўрганишга, шунингдек, органофил адсорбентларни саноат оқова сувини тозалашга қўллаш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда маҳаллий хомашёлар, шу жумладан каолин ва бентонитлар асосида турли хоссаларга эга бўлган селектив гил адсорбентларини олиш ҳамда улардан оқова сувни тозалашда қўллаш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва саноатнинг умумий ички маҳсулот ҳажмини кўпайтириш сиёсатини изчил давом этириб, саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробар ошириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада бентонит ва каолинлар асосида юқори сорбцион хусусиятга эга адсорбентларни яратиш ҳамда уларнинг адсорбциялаш қобилиятини ўзгариш механизмларини тадқиқ қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3264-сон “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва уни инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги¹ ПФ-60-сонли фармони

ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда дунёда олиб борилаётган кўпчилик илмий тадқиқот ишларида турли каолин ва бентонитлар асосида фаолланган ва органофил наноғовакли адсорбентларни олиш ва уларнинг коллоид-адсорбцион хоссаларини ўрганиш ҳамда импорт ўрнини босувчи самарадор селектив адсорбент сифатида амалиётга қўллаш борасида чет эллик олимлардан: М.М.Дубинин, И.Ленгмюр, С.Брунауер, П. Х. Эммет, И.А.Заматырина, Г.В.Цицишвили, Е.Е.Ергожин, А.М.Акимбаева, Ю.Г.Фролов, Ю.И.Тарасевич, Ф.Д.Овчаренколар ҳамда уларнинг ҳамкасблари томонидан сорбентларни синтез қилишнинг назарий ва амалий жиҳатларини, яратилган сорбцияловчи материалларнинг таркиб, структура-морфологик ва адсорбцион-коллоид хусусиятларини ўрганишда катта илмий ва амалий ишлар қилинган.

Мамлакатимизда ҳам академик К.С. Ахмедов, профессорлар: Э.А. Арипов, С.С.Хамраев, С.З.Мўминов, А.А. Агзамходжаев, С.Н.Аминов, Г.У.Рахматқариев, С.А.Абдурахимовлар томонидан гил адсорбентларини ва углеродли адсорбентларни синтез қилиш, физик-коллоид, кимёвий, адсорбцион структура хоссаларини, ҳамда молекуляр тўлиқ механизмларини ўрганиш бўйича самарали тадқиқот ишларини олиб боришган. Бугунги кунда У.К.Ахмедов, Б.Н.Хамидов, Д.С.Салиханова, И.Д. Эшметов, Д.Ж. Жумаева, Ф.М. Юсупов, О.К. Эргашев, Ш.А. Кулдошева, Ш.П. Нуруллаев, Э.Б. Абдурахмонов, Р.Ж. Эшметов ва бошқа кўпгина олимлар мазкур йўналишда илмий изланишларни давом эттириб бу соҳада ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтга қадар маҳаллий хом ашёлар ҳисобланган каолин ва бентонитлардан янги турдаги фаолланган, органофил, наноғовакли, термик барқарор, юқори сорбцион сиғимга эга гил адсорбентларини олиш ва уларнинг адсорбцион хоссаларини тадқиқ этиш ва янги турдаги адсорбентлардан оқова сувни тозалаш жараёнида кенг фойдаланиш ҳамда адсорбция энергетикаси хусусиятлари ва кўрсаткичларига доир илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-Ф-7-010 рақамли «Наноструктурали фожазит типигаги цеолитлар панжараси юзасида

ион-молекуляр кластерларни энергетикаси, тузилиши ва жойлашиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳага мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади модификацияланган бентонит адсорбентларига бензол ва метанол буғларининг адсорбцияси изотермалари, адсорбция изостерик иссиқликлари ҳамда адсорбция механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

каолинни кислотали шароитда фаоллаштириш ҳамда бентонит қаватлари оралиғидаги натрий ионларини триметиламоний ва триэтиламмоний катионларига алмаштириб наноғовакли адсорбентлар олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

модификацияланган гил адсорбентларининг тузилишини дифференциал термик-, дифференциал гравиметрик-, рентген фазали таҳлил ва ИҚ-спектроскопия усулларида фойдаланиб тадқиқ этиш;

Ангреннинг кислотали муҳитда фаоллантирилган оқ каолинда метанол буғининг адсорбцияланиш иссиқлиги ва энтропиясини ўрганиш;

адсорбентларга метанол буғларини адсорбцияланиш изотермаларини ва адсорбентларнинг адсорбцион-структура хоссалари ҳамда микро- ва мезоғовақлар ҳажмларини тадқиқ қилиш;

модификацияланган триметиламоний ва триэтиламмонийли адсорбентларнинг фаол адсорбцион марказлари билан бензол (кутбсиз) ва метанол (кутбли) молекулаларининг ўзаро таъсирланишидаги адсорбция иссиқлигини айрим омилларга боғлиқлигини тадқиқ этиш;

оқова сувини тозалаш учун триметиламоний ва триэтиламмонийли органофил адсорбентлар намуналарини тажриба синовлардан ўтказиш;

органфил наноғовакли гил адсорбентларини олишнинг принципал технологик схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ангрен оқ каолини ва кислотали муҳитда фаоллаштирилган намунаси, бентонитнинг ПБГ маркаси, модификацияланган триметил- ва триэтиламмонийли бентонит адсорбентлари ҳамда адсорбат сифатида бензол ва метанол буғлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бензол ва метанол буғларининг адсорбцион хусусиятлари, модификацияланган адсорбентларда адсорбент-адсорбат таъсирланиш термодинамикаси, ион-молекуляр комплексларнинг энергияси, физикавий адсорбция механизмларини ўрганиш усулларида иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий физик-кимёвий: рентгенофазавий, термогравиметрик, дифференциал термик, ИҚ-спектроскопик, спектрофотометрик ва коллоид-кимёвий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Маҳаллий ПБГ бентонити асосида триметил- ва триэтиламмоний катионлари билан модификацияланган янги гил адсорбентлари олиниб, уларнинг тузилиши замонавий ИҚ-спектроскопия, дифференциал термик таҳлил ҳамда рентгенографик усуллари ёрдамида идентификация қилинган;

модификацияланган адсорбентларга метанол ва бензолни адсорбцияланиш изотермалари асосида адсорбентларнинг коллоид-кимёвий, структура-адсорбцион хоссаларига модификаторлар таъсири аниқланган;

модификацияланган адсорбентларга метанолни адсорбцияланишини дифференциал иссиқлиги тўлқинсимон шаклда бўлиши исботланган;

модификацияланган адсорбентларга бензолни адсорбцияланиш дифференциал иссиқлиги максимум қийматларида ион-молекуляр комплекслари ҳосил қилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бензол адсорбцияси бўйича адсорбентларнинг сирт юзаси дастлабки бентонитга нибатан ТМАБ да 4,44 ва ТЭАБ да 5,10 мартаба юқори бўлган органофил адсорбентларни синтез қилиш усуллари яратилган;

Модификацияланган гил ТЭАБ ва ТМАБ адсорбентлардан оқова сувлар таркибидаги оғир металл ионлар ва нефт маҳсулотларини тозалашда адсорбентлар сифатида қўллаш имконияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида гил адсорбентларининг физик-кимёвий, коллоид-адсорбцион хоссаларини ўрганишда БЭТ, Дубинин-Радушкевич, Клаузиус - Клайперон ва Кельвин-Томсон тенгламаларидан фойдаланилган ҳамда лаборатория тажриба синовлари билан ишончлилиги тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, турли ҳароратларда адсорбцияланиши бўйича тадқиқ этилган адсорбция изотермалари асосида дифференциал изостерик адсорбция иссиқликлиги, фаолланган ва модификацияланган гил адсорбентларидаги фаол адсорбция марказлари билан адсорбат-адсорбентни ўзаро таъсирлашиш механизмлари физикавий адсорбцияланишининг назарий ривожланишига асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий ҳом ашё ҳисобланган каолин ва бентонитлар асосида термик барқарор, самарадор гил адсорбентларини олиш жараёнларида, оқова сув таркибидаги нефт маҳсулотлари ва айрим металл ионларини тозалашда, адсорбцион калонналардаги экзотермик иссиқлик жараёнларини ҳисоб-китобларида, ОЎЮ магистрантлари учун “Адсорбентлар ва адсорбция жараёнлари кинетикаси ва термодинамикаси” фанидан ўқув қўлланма ҳамда коллоид кимё курсларида адсорбция механизмига тегишли амалий масалалар ечишга доир ўқув жараёнларида маълумотлар манбаи сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Модификацияланган адсорбентларнинг адсорбциясини ўрганиш бўйича олинган илмий ва амалий натижалар асосида:

маҳаллий хомашёлар асосида олинган минерал адсорбентларнинг коллоид-кимёвий ва адсорбцион хоссалари натижалари асосида “70710102-Катализаторлар ва адсорбентлар технологияси” магистратура мутахассислиги магистрантлари учун “Адсорбентлар, адсорбция жараёнлари кинетикаси ва термодинамикаси фанидан масалалар тўплами” дарслиги чоп

этилган (17.03.2012 й., 106-495-сон гувоҳнома). Натижада, катализаторлар ва адсорбентлар технологияси магистратура мутахассислиги талабаларининг физикавий адсорбцияланиш механизмларини чуқур ўзлаштириши бўйича амалий билим ва кўникмаларга эга бўлиши имконини берган;

модификацияланган ТМАБ ва ТЕАБ адсорбентлари ёрдамида оқава сувлар таркибидан темир, хром, аммоний ва фосфат ионларини тозалаш усули «ART GLOSS GALLERY» ҚҚсида амалиётга жорий этилган («ART GLOSS GALLERY» ООО ҚҚсининг 2023 йил 9 сентябрдаги 1-048-01-сон маълумотномаси). Натижада, оқова сувлар таркибидаги темир, хром, аммоний ва фосфат ионларини мос равишда 86-97,8 % гача тозалаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг асосий натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар нашр этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси диссертацияларнинг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия қилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, 5 таси республика ва 3 таси халқаро журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари предмети ва объекти тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига тадқиқот ишининг мувофиқлиги асосланган ва шакллантирилган. Илмий янгилиги аниқланган, тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган, тажриба синовлари, нашр этилган ишлар ва олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **”Гил минераллари адсорбцион хоссаларини ўзгартиришнинг физик-кимёвий усуллари ва ривожланиш тенденцияси“** деб номланган биринчи бобида гил минералларининг физик-кимёвий хоссалари, ундан фойдаланишнинг мумкин бўлган йўналишлари ва модификациялаш усуллари кўриб чиқилган. Шунингдек, гил адсорбентларини катионли сирт фаол моддалар билан модификациялаш адсорбентлардаги юқори энергияли адсорбцион марказлар сонининг ортишига, бентонитларнинг мавжуд ғовак тузилишининг ўзгариши ва физик-кимёвий хоссаларига тегишли илмий адабиётлардаги мавжуд маълумотлар умумлаштирилган ва танқидий таҳлил қилинган. Адсорбентлар сирт юзасидаги гидроксил гуруҳларини, турли органик радикалларга, ноорганик катион ва анионларга алмаштириш, шунингдек, уларни термик, гидротермик,

турли кислоталар, ишқорларва бошқа моддалар билан ишлов бериб фаоллаштириш шароитлари ҳамда ушбу жараённинг механизми ва кимёси батафсил таҳлил қилинган.

Ушбу муаммоларни танқидий таҳлили асосида диссертация тадқиқотининг мақсад ва вазифаларини шакллантириш имкониятларини берган.

Диссертациянинг «**Адсорбция жараёнлари ўрганишнинг тадқиқот объектлари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишнинг услубий қисми ёритилган бўлиб, бунда гил минералларидан бентонит ва Ангрен оқ каолинининг дастлабки кимёвий ва минералогик таркиблари, тузилиши ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганишнинг тадқиқот усуллари ёритилган.


Адсорбция жараёнларида физик-кимёвий тадқиқотлар ўтказиш шартлари баён қилинган. Бентонит лойининг ПБГ маркасидаги натрий катионларинитриметиламмоний ва триэтиламмоний катионларига алмаштириш усуллари орқали органофил модификацияланган адсорбентлар олишнинг мақбул шароитлари келтирилган.

ТМАБ ва ТЭАБ адсорбентларини олишда бентонитнинг сувли суспензиясига триметиламмоний- ва триэтиламмоний гидрохлорид тузининг 0,02 н ли эритмаси таъсир эттирилган. Система сув хаммомида 40°C ҳароратда ушлаб турилган ҳолда механик аралаштиргич билан 4 соат давомида яхшилаб аралаштирилган, флокуляция ходисаси тўлиқ якунланиб, ион алмашилиш юз берган. Дисперс фаза дисперсион муҳитдан центрифуга ёрдамида 10 минут вақт давомида 1500 мин/айл тезлик остида тўлиқ чўкмага туширилиб, ажратилиб олинган. Адсорбентлар дастлаб 293К ҳароратда 24 соат давомида, кейин қуритгич шкафида 333-340К ҳароратда 2 соат қиздириб сувнинг тўлиқ чиқиб кетиши таъминланган. Олинган органофил адсорбентнинг таркибий тузилиши физик-кимёвий тадқиқот усуллари, адсорбция хоссалари эса адсорбцион усулларда тадқиқ қилинган. Адсорбция изотермаларини ўлчаш учун фойдаланиладиган Мак-Бен-Бакранинг кварц пружинали юқори вакуумли қурилмасининг тавсифи, адсорбциянинг дифференциал ва интеграл иссиқлигини ҳисоблаш усуллари ва тенгламалари, адсорбентлардаги адсорбцияланиш жараёнининг механизмларини аниқлашда адсорбатлар метанол ва бензол молекулаларининг физик-кимёвий хоссалари келтирилган. Шунингдек, мазкур бобда, оқова сув таркибидаги нефт маҳсулотлари ва турли ионлар миқдорини аниқлаш методикалари баён қилинган.

Диссертациянинг «**Адсорбентлар тузилишини ўрганишда физик-кимёвий усулларнинг қўлланилиши**» деб номланган учинчи бобида адсорбентларнинг таркиби ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган.

Модификацияланган адсорбентларнинг ИҚ-спектроскопик таҳлили. Адсорбентлардаги ОН гуруҳлар ИҚ-спектрларининг тебранишлари ПБГда 3628,10 см⁻¹, ТМАБда 3647,39 см⁻¹ ва ТЭАБ 3628,10 см⁻¹ кўрсаткичларда кузатилган. Бунда триметиламмоний билан модификациялаб

олинган ТМАБда интенсивлик $3647,39 \text{ см}^{-1}$ га силжиганлиги аниқланган. Шунингдек, адсорбентлар таркибидаги кристалланган сувнинг деформацион тебранишлари кўрсаткичлари модификаторлар табиати билан боғлиқ бўлган ҳолда қуйидагича: яъни ПБГда $1653,00 \text{ см}^{-1}$, ТМАБда $1653,00 \text{ см}^{-1}$ ва ТЭАБда $1647,21 \text{ см}^{-1}$ қийматларда кузатилган.




1- расм. ТМАБ адсорбентининг ИҚ-спектри

ИҚ-спектр кўрсаткичлари адсорбентларда спектрлар интенсивлигининг энг юқори қиймати ПБГда $989,48 \text{ см}^{-1}$, ТМАБда $993,34 \text{ см}^{-1}$ ва ТЭАБда $995,27 \text{ см}^{-1}$ га тенглиги аниқланган. Бундай интенсив ўзгаришлар модификацияловчи катионларининг ўлчами ва табиатига боғлиқ ҳолда содир бўлганлигини кўрсатган. Шу билан бирга, бошқа бентонитларга хос бўлган соҳаларда валент ва деформацион тебранишлар ўзгармасдан қолган. Бу бентонитни катион сирт фаол моддалар билан, яъни юмшоқ шароитларда модификациялашда адсорбентлар структурасида тегишли ўзгаришлар бўлмаслигидан далолат берган.



Демак, бентонитнинг ПБГ маркасида $989,48 \text{ см}^{-1}$ ва органофилли адсорбентларда, яъни ТМАБда $993,34 \text{ см}^{-1}$ ва ТЭАБда $995,27 \text{ см}^{-1}$ кўрсаткичларда ИҚ-спектрларни интенсив чўққилирида модификацияловчи катионлар ўлчами, табиатига боғлиқ ҳолда силикалит Si-O-Si боғининг валент тебранишларида сезиларли даражада ўзгаришлар содир бўлиши

аниқланган. Шунингдек, модификацияланган бентонитларда C-N боғини ассиметрик валент тебранишлари ТМАБда $1338,60\text{ см}^{-1}$ ва ТЭАБда $1338,60\text{ см}^{-1}$ соҳаларда C-C боғларининг симметрик валент тебранишлари мос равишда $796,60$ ва $796,61\text{ см}^{-1}$ соҳалардаги чўққиларга мос келиши аниқланган.



2- расм. ТЭАБ адсорбентининг ИҚ-спектри

Модификацияланган адсорбентларнинг дифференциал термик таҳлили. ПБГ, ТМАБ ва ТЭАБ адсорбентларнинг термогравиметрик (ТГА) анализи ҳарорат $20,13^{\circ}\text{C}$ дан $1001,35^{\circ}\text{C}$ гача, $0,28\text{--}100,9$ минут вақт оралиғида ўрганилди. Тадқиқот натижаларига кўра ҳарорат ва вақтнинг ортиши билан адсорбентлар массасининг камайиб бориши кузатилди.



3-расм. ТМАБ адсорбентининг ТГА кўриниши 4-расм. ТЭАБ адсорбентининг ТГА кўриниши

1-жадвал


ПБГ, ТМАБ ва ТЭАБ адсорбентларнинг термогравиметрик анализ натижалари

Тартиб рақами	ПБГ		ТМАБ		ТЭАБ	
	Ҳарорат, °C	Массани камайиши, %	Ҳарорат, °C	Массани камайиши, %	Ҳарорат, °C	Массани камайиши, %
1.	111,5	4,843	104,79	4,050	-	-
2.	156,04	5,698	232,74	4,986	200,75	6,238
3.	786,39	10,24	496,57	9,796	806,84	11,791
4.	1001,35	10,95	1001,29	12,123	1001,37	12,168


Олиб борилган тадқиқот натижаларига мувофиқ 20,22- 1001,35⁰C ҳарорат интервалида ПБГда 10,95%; ТМАБли адсорбентда 12,123%; ТЭАБда эса 12,168% гача массанинг камайиши аниқланган.

ТМАБ адсорбентнинг ДТА графикларида эндоэффектларнинг 28,28-104,5⁰C ҳарорат оралиғида юзага келганлигини кўришимиз мумкин. Эндоэффект чўққиларининг ҳосил бўлиши 42,2⁰C ҳароратда бошланиб 91,09⁰C да тугаган ва чўққининг энг пастки минимум нуқтаси 5,12 минут давомийлигида 59,83⁰C ҳароратга тўғри келганлиги аниқланган. Бунда чўққининг минимум баландлиги -8,44 uV га ёки -0,57 uV/mg га тенг. Эндоэффектнинг ҳосил бўлиши натижасида -2.02 Ж ёки -483,21 мкалл микдорда энергия ютилган. Бу микдор энергиянинг массага нисбатан -137,22

Ж/гр га ёки $-32,78$ калл/гр га тенгдир. Ўрганилган адсорбентларнинг ДТА ларидаги эндотермик чўққиларининг ўзига хослиги оралиқларнинг қисқалигидандир. Экзотермик жараён $208,81-406,51^{\circ}\text{C}$ ҳарорат ва $20,18-32,13$ дақиқа оралиғида юзага келган. Экзоэффект чўққиси $262,72^{\circ}\text{C}$ ҳароратда бошланиб, унинг юқори нуқтаси $328,52^{\circ}\text{C}$ га тўғри келган бўлса, $362,64^{\circ}\text{C}$ ҳароратда тугаганлигини кўришимиз мумкин. Экзоэффект чўққисининг баландлиги 9.19 uV га ва унинг массага нисбати эса $0,62 \text{ uV/mg}$ га тенг. Бу жараёнда ажралган иссиқлик миқдори $5,04 \text{ Ж}$ ($1,20$ калл) га ва массага нисбати $342,04 \text{ Ж/гр}$ га тенглиги аниқланган.



5-расм. ТМАБ адсорбентининг ДТА кўриниши




6-расм. ТЭАБ адсорбентининг ДТА кўриниши

ТЭАБ адсорбентнинг дериватограммасида ҳароратнинг $39,03-81,07^{\circ}\text{C}$ оралиғида кичик интенсивликдаги эндотермик жараён кузатилади. Эндотермик жараёндаги минимал чўққининг узунлиги $56,84^{\circ}\text{C}$ ҳароратда $-1,65 \text{ uV}$ га ва вақт давомийлиги $4,73$ минутга, ҳамда ажралиб чиқадиган иссиқлик $-0,299 \text{ Ж}$ ($29,75 \text{ Ж/г}$) тенг эканлиги топилди. Экзотермик жараён дериватограмма эгрисида ҳарорат интервали $80,66-578,33^{\circ}\text{C}$ кенг интенсивликда ҳосил бўлиши кузатишган. Экзоэффект чўққининг баландлиги $15,18 \text{ uV}$ ва иссиқлик эффекти миқдори $24,93 \text{ Ж}$ ёки $2,48 \text{ кЖ/гр}$ га тўғри келган. Экзоэффект чўққининг баландлини массага нисбати $1,51 \text{ uV/mg}$ га тенг бўлиб, ТМАБ адсорбентдагига нисбатан $2,43$ баробарга кўпдир. Демак, бу ҳолат триэтиламмоний катионларининг барқарқарорлиги триметиламмоний катионларидан юқори эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, ТМАБли адсорбентларда экзоэффект жараёни $362,6^{\circ}\text{C}$ да тугаган бўлса, ТЭАБда бу кўрсаткич $575,69^{\circ}\text{C}$ га қадар давом этиши аниқланган. Спектрларининг таҳлил натижаларига кўра ТМАБ билан модификацияланган адсорбент ўзининг адсорбцион қобилиятини $362,6^{\circ}\text{C}$ га



қадар, ТЭАБ билан фаоллаштирилган адсорбент эса 262,77⁰С га қадар тўлиқ ва 575,69⁰С ҳароратгача маълум даражада йўқотмасдан қолган. Мазкур хусусият шу ҳароратгача ушбу адсорбентдан фойдаланиш имкони мавжуд эканлигини кўрсатди.

Модификацияланган адсорбентларнинг рентген фазали таҳлили. Модификацияловчи катионлар бентонитдаги алмашинувчи Na⁺катионлари ўрнига киритилганда минералнинг асосий базал (d_{001}) қаватлараро масофалар ТМАБ да 13,60Å, ТЭАБ да эса 14,20 Å гача ўзгартириши аниқланган. Адсорбентнинг рентген дифрактограммаси маълумотлари натижаларига кўра бентонит асосан: монтмориллонит, мусковит, кальций алюмосиликат аргенит, гисмондин, фосажит, профиллит ва бошқа минераллардан иборат эканлиги аниқланган.



7-расм. ТМАБ (1), -ТЭАБ (2) ва ПБГ (3) адсорбентларнинг рентген дифрактограммаси


Диссертациянинг «Модификацияланган гил адсорбентларига бензол ва метанолни адсорбцияланиши ҳамда қўлланилиши» деб номланган тўртинчи бобда Каолин ва модификацияланган адсорбентларга бензол ва метанолни адсорбцияси жараёнлари келтирилган. Фаолланган Каолинга метанолни адсорбцияланиш изотермалари 3 хил, яъни: 293К; 303К ва 313К ҳароратларда тадқиқ қилинди.



8-расм. Фаолланган Ангрен каолинига турли ҳароратларда метанол адсорбцияланиши.
1-293К; 2-303К; 3-313К.


9-расм. Фаолланган каолинга метанол бўғини адсорбцияланиши изостералари

Адсорбция иссиқлиги $Q_a = 68,0$ кЖ /моль дан бошқичма-бошқич $Q_a = 41,57$ кЖ/мол гача камайиб борди. Адсорбцияланиш иссиқлигининг максимал қийматида ($Q_{max} = 68,0$ кЖ/моль) адсорбентни метанол молекуласи билан протонларнинг стехиометрик ўзаро таъсирланиш жараёнлари содир бўлади, яъни бундай шароитда ион-молекуляр комплекс содир бўлганлигини кўрсатади. Олиб борилган тажрибалар асосида адсорбцияланиш иссиқлигининг бошланғич тўйиниш миқдори $a = 0,1$ мол/кг бўлганида $Q_a = 57,44$ кЖ/моль дан бошланиб $a = 0,15$ моль/кг бўлганида энг юқори кўрсаткич $Q_a = 68,0$ кЖ /моль га тенг бўлиши ва 0,2 моль/кг гача ўзгармасдан қолиши аниқланди. Шундан сўнг адсорбция иссиқлиги камайиб $a = 0,35$ мол/кг га тенг бўлганида $Q_a = 41,57$ кЖ/моль гача пасайди. Сўнгра яна $Q_a = f(a)$ функциявий боғлиқлик чизиқлари юқорилаб иккинчи максимумга кўтарилиши кузатилди ва $a = 0,55$ мол/кг да $Q_a = 53,6$ кЖ/моль қийматга эга эканлиги аниқланди.




10-расм. Фаолланган каолинга метанол буғини адсорбцияланишининг изостерик дифференциал иссиқлиги

ТМАБ ва ТЭАБ адсорбентларга бензол буғлари адсорбцияси ва адсорбция иссиқлиги. ПБГ учун солиштирма юза $32 \text{ м}^2/\text{г}$ ни, тўйиниш адсорбция ҳажми $0,058 \text{ см}^3/\text{г}$ ни ташкил этган бўлса, ТМАБнинг солиштирма юзаси $138 \text{ м}^2/\text{г}$, тўйиниш адсорбция ҳажми $0,117 \text{ см}^3/\text{г}$, ТЭАБ да солиштирма юзаси $158 \text{ м}^2/\text{г}$, тўйиниш адсорбция ҳажми $0,132 \text{ см}^3/\text{г}$ эканлиги аниқланган. Демак, ион алмаштириш натижасида солиштирма юзасини (S) ПБГ-гилмойсига нисбатан таққослаганида ТМАБ да 4,44, ТЭАБ да 5,1 мартаба ошган.



11-расм. ТМАБ адсорбентига турли ҳароратларда 1-293К, 2-303К ва 313 Кда бензол буғининг адсорбцияланиш изотермалари



12-расм. ТМАБ (1), ва ТЭАБ (2) адсорбентларга бензол буғининг изостерик адсорбцияси иссиқлиги

Ўтказилган тажриба натижалари адсорбцияланиш иссиқликларининг ўзгариш эгри чизиқлари ТМАБ ва ТЭАБ да бошланғич ҳолати ва тўйиниш даражаларида бир-бирига ўхшаш бўлишини кўрсатди. Адсорбцияланиш даражасининг ортиши билан $Q_{\text{адс}}$ аввал камаяди, минимал қийматдан ўтади, кейин эса триметил- ва триэтиламмоний катионлари бензол ион-молекуляр таъсирланиш ҳисобига адсорбция иссиқлиги мос равишда ТМАБда $Q_{\text{мак}} = 67,5$ ва ТЭАБ да эса $Q_{\text{мак}} = 75,5$ кЖ/мольда максимал қийматга етади. Сўнгра адсорбция иссиқлиги $Q=f(a)$ функциясида конденсацияланиш иссиқлиги $\lambda = 35,88$ кЖ/моль қийматиғача ўзгариши адсорбентлар ташқи юзасининг гетерогенлиги, яъни бир жинсли эмаслиги билан боғлиқ. Адсорбцияланиш жараёнининг дастлабки босқичларида ТМАБ даги бензолнинг $Q_{\text{адс}}$ ТЭАБ га қараганда анча паст қийматга эга бўлади. Шунинг учун ТМАБ юзаси ТЭАБга нисбатан камроқ гетерогендир ва бу ҳолат унинг ташқи юзасининг фаол марказлари бўлиб алмашинувчи катионлар, сирт гидроксиллари, қатлам юзаси сиртлари, кремний-кислородли фаол марказлар билан физикавий сорбция натижасида юзага келиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ТМАБ ва ТЭАБ адсорбентларга метанол буғининг адсорбцияланиш иссиқлиги. CH_3OH нинг ТМАБ ва ТЭАБдаги адсорбцияси $Q=f(a)$ да бошланғич тўлдириш соҳаларида дастлабки ПБГ адсорбентининг адсорбцияланиш иссиқлиги эгри чизиқларига ўхшашлиги, бироқ ТМАБ ва ТЭАБлар мазкур тўйиниш соҳаларида модификацияловчи $(\text{CH}_3)_3\text{NH}^+$, $(\text{C}_2\text{H}_5)_3\text{NH}^+$, катионлар ўлчамига мос равишда адсорбция иссиқлиги миқдорининг юқори бўлиши билан тавсифланди. Хусусан, адсорбция 1,50 моль/кгда “ПБГ- CH_3OH ” тизими учун адсорбция иссиқлиги 42,70 кЖ/моль, “ТМАБ- CH_3OH ” учун 55,50 кЖ/моль, “ТЭАБ- CH_3OH ” учун 62,70 кЖ/мольга тенг эканлиги аниқланди. Демак, CH_3OH нинг адсорбцияланиши бошланғич тўлдиришларида адсорбентларнинг ташқи юзалари билан таъсирлашади.

Оқова сувларни модификацияланган органо Bentonитлар ёрдамида тозалаш.

2-жадвал

Модификацияланган органофил адсорбентларининг шахар канализация оқова суви таркибидаги Cr^{6+} , NH_4^+ , Fe^{3+} , PO_4^{3-} ионлари, нефт маҳсулотлари ва сирт фаол моддаларни тозалаш жараёни натижалари


№	Адсорбентлар турлари	Сувдаги миқдори, мг/л	Адсорбентлардан ўтказилгандан кейинги миқдори, мг/л	Тозалаш даражаси, %
Нефт маҳсулотлари адсорбцияси				
1	ПБГ	0,88	0,31	64,8
2	ТМАБ	0,88	0,58	34,1
3	ТЭАБ	0,88	0,21	75,5
NH_4^+ ионлари адсорбцияси				
1	ПБГ	37,83	28,86	23,7

2	ТМАБ	37,83	24,18	64,3
3	ТЭАБ	37,83	32,37	14,4

Cr⁺⁶ ионлари адсорбцияси				
1.	ПБГ	0,043	0,014	67,4
2.	ТМАБ	0,043	0,010	76,7
3.	ТЭАБ	0,043	0,011	74,4
Fe⁺³ ионлари адсорбцияси				
1.	ПБГ	0,30	0,17	43,3
2.	ТМАБ	0,30	0,12	60,1
3.	ТЭАБ	0,30	0,13	56,6
PO₄³⁻ ионлари адсорбцияси				
1.	ПБГ	3,72	1,65	55,6
2.	ТМАБ	3,72	0,65	82,5
3.	ТЭАБ	3,72	1,75	52,2
Сирт фаол моддалар (СФМ) адсорбцияси				
1.	ПБГ	0,794	0,729	8,2
2.	ТМАБ	0,794	0,339	57,3
3.	ТЭАБ	0,794	0,377	52,5

Юқоридаги жадвалдан шуни кўришимиз мумкинки, модификацияланган адсорбентлар оқова сувдаги нефт маҳсулотларини қуйидагича: ТМАБ-34,1%; ТЭАБ-75,5%; ПБГ-64,8% тозалаш мумкинлиги аниқланди. Оқова сув таркибида Cr⁺⁶ ионлари ҳайвонот ва ўсимлик оламига салбий таъсир кўрсатиши билан хавфли ҳисобланади. Модификациялаб олинган гил адсорбентлари Cr⁺⁶ ионларини 56,5 - 76,7 % га ча тозалаш мумкинлиги аниқланди. Cr⁺⁶ ионлари адсорбцияси бўйича адсорбентларни қуйидагича: ПБГ < ТЭАБ < ТМАБ фаоллик қаторида жойлаштирилди.

Қуйида модификацияланган ТМАБ ва ТЭАБ русумли адсорбентлар олишнинг блок схемаси келтирилган.



13-расм.ТМАБ ва ТЭАБ русумли адсорбент олишнинг технологик блок схемаси

1-ПБГ бентонити; 2-шарикли тегирмон; 3-бўктириш сиғими; 4-седментациялаш сиғими; 5-модификациялаш сиғими; 6-модификаторлар эритмаси сиғими; 7-центрифуга қурилмаси; 8- гранулятор қурилмаси; 9-куритиш печи; 10- ТМАБ ва ТЭАБ русумли адсорбентлар омборга.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация ишини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Модификацияланган бентонитларда С-N боғининг асимметрик валент тебранишлари ТМАБда $1338,60 \text{ см}^{-1}$ ва ТЭАБда $1338,60 \text{ см}^{-1}$ соҳаларда С-С боғларининг симметрик валент тебранишлари мос равишда $796,60$ ва $796,61 \text{ см}^{-1}$ соҳалардаги чўққиларга мос келиши аниқланди. ИҚ-спектр натижалари модификациялаш жараёнида бентонитлардаги силикалит гуруҳларининг валент ва деформацион тебранишларида ўзгаришлар мавжуд эмаслиги билан изоҳланган.

2. Модификацияланган адсорбентларни экзоэффект чўққисининг таҳлили натижаларига кўра ТМАБ ва ТЭАБ лари мос равишда ўзининг адсорбцион қобилятини $362,6$ ва $575,69 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратга қадар сақлаб қолиши аниқланган. Мазкур ҳароратларгача ушбу адсорбентдан фойдаланиш имконияти мавжудлиги исботланди. Термик дегидратлаш $20,22-1001,35 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳарорат интервалида ПБГ- $10,95\%$; ТМАБ- $12,123\%$; ТЭАБда эса $12,168\%$ гача массанинг камайиши аниқланган.

3. Рентген дифрактограммалари натижаларига мувофиқ $(\text{CH}_3)_3\text{NH}^+$, $(\text{C}_2\text{H}_5)_3\text{NH}^+$ катионлар бентонитдаги Na^+ катионлари ўрнига киритилганда минералнинг асосий базал (d_{001}) қаватлараро масофалари ўлчамини ТМАБда $13,60 \text{ \AA}$, ТЭАБда эса $14,20 \text{ \AA}$ гача бошқариш мумкинлиги аниқланган.

4. “Каолин-метанол” ва “фаолланган каолин-метанол” системасининг адсорбцияланиш иссиқлиги максимум қийматларда мос равишда $Q_{\text{max}} = 44,6$ ва $Q = 68,0 \text{ кЖ/моль}$ га тенг бўлиб, бу адсорбент-адсорбатни ўзаро таъсирланиши мавжудлиги билан тавсифланган.

5. “ТМАБ-бензол” ва “ТЭАБ-бензол” системасида адсорбцияланишнинг дастлабки қийматида адсорбция иссиқлиги аввал минимал сўнгра триметил- ва триэтиламмоний катионларини таъсирланиши ҳисобига адсорбция иссиқлиги ТМАБда $Q_{\text{max}} = 67,5$ ва ТЭАБ да эса $Q_{\text{max}} = 75,5 \text{ кЖ/мол}$ да максимал қийматдан ўтиши аниқланган.

6. Органоадсорбентлар оқова сувлар таркибидаги нефт маҳсулотларини $75,5\%$, аммоний ионларини $36,1\%$; хром ионларини $76,7\%$; темир ионларини $60,1\%$; фосфат ионларини $82,5\%$; сирт фаол моддаларни $57,3\%$ адсорбциялаши топилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАНДАМОВА ДИЛНОЗА КЕНЖАЕВНА

**АДСОРБЦИОННЫЕ СВОЙСТВА БЕНЗОЛА И МЕТАНОЛА НА
МОДИФИЦИРОВАННЫХ АДСОРБЕНТАХ**

02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ХИМИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент–2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В2022.1.PhD/К469.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.ionx.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Нуруллаев Шавкат Пайзиевич
кандидат химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кулдашева Шахноза Абдулазизовна
доктор химических наук, профессор

Исмоилов Ровшан Исроилович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «5» январь 2024 года в «14⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc02/30.12.2019.К/Т.35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г.Ташкент, улица Мирзо Улугбека, дом 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871)262-76-90, e-mail: ionxanguz@nuu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 7, с которой можно ознакомиться информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, улица Мирзо Улугбека, дом 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Автореферат диссертации разослан «20» декабря 2023 года.
(Реестр за № 7 от «20» декабря 2023 года).



Б.С.Закиров
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д.С.Салиханова
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

И.Д.Эшметов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире егодно в различных отраслях промышленности широко используются разнообразные активированные глиняные адсорбенты, в том числе каолин, полигорскит и бентонит, в качестве адсорбентов для очистки от ионов металлов промышленных стоков, образующихся при сортировке и переработке химических веществ. Получение органофильных, нанопористых модифицированных глинистых адсорбентов с использованием катионных поверхностно-активных веществ и определение природы их адсорбционно-активных центров, коллоидно-химического, энергетического потенциала, энергии взаимодействия адсорбент-адсорбат с полярными и неполярными веществами, исследование структурно-текстурной пористости, повышение их селективных свойств и научное обоснование их использования при очистке сточных вод имеет теоретическое и практическое значение в области коллоидной химии.

В мире ведутся ряд научно-исследовательских работ по созданию активированных, селективных, органофильных адсорбентов с использованием глинистых минералов бентонитовых и каолиновых месторождений. В связи с этим особое внимание уделяется научному обоснованию и внедрению оптимальных условий модификации бентонитовых глин и изучению закономерностей влияния чередующихся катионов на процессы адсорбции, а также разработке технологий применения органофильных адсорбентов для очистки промышленных сточных вод.

В Республике достигаются научно-практические положительные результаты по получению селективных глинистых адсорбентов с различными свойствами на основе местных каолина и бентонитов, использованию их при очистке сточных вод. В третьем направлении новой стратегии развития Узбекистана, направленном на дальнейшее развитие Республики Узбекистан, "обеспечение стабильности национальной экономики и увеличение общего внутреннего объема промышленности увеличивают производство промышленной продукции в 1,4 раза...¹", определены важные задачи. В связи с этим, особое значение имеют научные исследования, направленные на создание адсорбентов на основе бентонитов и каолинов, отвечающих экологическим требованиям, а также исследования механизмов изменения их адсорбционной способности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указа Президента Республики Узбекистан № УП-3264 от 29 августа 2017 года «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности», № УП-4265 от 03 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению ее

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №ПФ-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

инвестиционной привлекательности», № УП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и эффективности науки в области химии и биологии», в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4265 Президента Республики Узбекистан №ПП-60 от 22 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», а также других нормативно-правовых документов, принятыми в данной сфере по «Ускоренному развитию национальной экономики и обеспечению высоких темпов роста».

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики Узбекистан VII «Химическая технология и нанотехнология».

